



ЖИНОЯТЛАРИНИ ТЕРГОВ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИНING ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Алланазаров Ойбек Давранович¹

¹юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори, доцент

Хидиров Мехрож Қилич ўғли²

²Тошкент шаҳар Миробод тумани
ИИБ ТБ терговчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7137478>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 03rd October 2022

KEY WORDS

жиноят, тергов,
криминалистика, тергов
ҳаракати, тавсия, тактика,
методика.

Мамлакатимиз ҳудудлари чор Россияси мустамлакачилари томонидан босиб олингандан кейин 1922, 1926 ва 1959 йилларда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда жиноятларни тергов қилиш тартибига бағишланган бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда жиноятларни тергов қилишни тартибга солувчи муайян қоидалар белгиланиши натижасида илк маротаба жиноятларни тергов қилиш услубиётининг назарий асослари яратилган.

О.С.Ница 1940 йилгача бўлган даврни совет криминалистикаси асосларининг шаклланиш даври сифатида баҳолаб, ушбу даврда тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактикаси ва жиноятларни тергов қилиш усуллари бўйича дастлабки илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлигини асослаб берган.

ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон ҳудудда собиқ совет иттифоқи ва мустақиллик йилларида жиноятларни тергов қилиш методикаси, шу жумладан жиноятлар ишлари бўйича тергов олиб бориш ҳамда процессуал ҳаракатларни ўтказишга доир яратилган илмий ишланмалар, олимларнинг илмий асосланган тавсиялари таҳлил қилинган. Шу асосда ушбу даврда жиноятларни тергов қилиш фаолиятининг илмий-назарий асослари яратилиши ва мустаҳкамланиши юзасидан хулосалар қилинган.

Совет даврида жиноятларни тергов қилиш методикасига оид тавсиялар илк маротаба И.Н.Якимов, В.И.Громов, П.С.Семеновский, С.А.Голунский, С.М.Потапов ва бошқа олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Улар жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда қўлланиладиган воситалар ва тактик усуллари такомиллаштириш борасидаги ижобий ютуқларни фанга жорий этишган.

Жиноятларни тергов қилиш методикасига бағишланган илк қўлланма 1924 йилда И.Н.Якимов томонидан ёзилган бўлиб, унда жиноят ишини юритишда тиббий, техник ва табиий фанларнинг усулларидан фойдаланиш, жиноят содир этган шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолатини ўрганиш, шунингдек шахсга қарши жиноятлар, ўғирлик, фирибгарлик ва ҳужжатларни сохталаштириш



жиноятларини тергов қилишда қўлланиладиган усуллар ёритилган.

И.Н.Якимов ва П.П.Михеевлар муаллифлигида 1928 йилда чоп этилган “Искусство допроса: Практическое пособие для допрашивающих” номли қўлланмада илк маротаба сўроқ қилишда қўлланиладиган тактик усулларга мурожаат қилинган.

Г.Ю.Маннс томонидан яратилган ва 1927 йилда чоп этилган “Борьба с беспризорностью и преступностью несовершеннолетних и её очередные задачи в Сибирском Крае” номли қўлланма вояга етмаганларни жамият ҳаётининг ўзига хос ижтимоий қатлами сифатида ажратиб кўрсатган ҳамда улар томонидан содир этилган жиноятларга алоҳида ёндошувни асослаб берган илк илмий иш бўлди.

1929 йили В.И.Громов томонидан яратилган “Методика расследования преступлений” номли қўлланмада жиноят ишини тергов қилишнинг асосий босқичлари ва уларда ўтказиладиган тергов ҳаракатларининг тактик хусусиятлари очиқ берилди.

С.А.Голунский томонидан 1934-1939 йилларда чоп этилган илмий нашрларда терговни режалаштириш тартиби, тергов тусмолларини ишлаб чиқиш ва текшириш тартиби, шунингдек ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, сўроқ қилиш, тинтув ва олиб қўйиш, юзлаштириш ва гувоҳлантириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишнинг тактикаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, XX асрнинг 30-60 йилларида С.М. Потапов, А.И.Винберг, Е.У.Зицер, В.И.Попова, Л.Е.Ароцкера, Н.И.Гуковской, Р.С.Белкин, С.И.Тихенко, П.И.Тарасова-Родионова, В.П.Колмакова,

А.И.Винберг ҳамда бошқа олимлар томонидан яратилган илмий асарларда жиноятларни тергов қилиш методикасига оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, 1970-80 йилларда жиноятларни тергов қилишнинг жиноят-процессуал асослари ва методикаси бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, амалиёт ходимлари томонидан тергов қилишни такомиллаштиришга қаратилган бир қатор илмий-амалий қўлланмалар яратилган.

Мисол учун, Е.В.Ремизова томонидан вояга етмаганлар жиноятлари бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, улар юзасидан ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар кенг таҳлил қилинган.

В.Г.Дремов гумон қилинувчи ва айбланувчини сўроқ қилишда у билан психологик алоқа ўрнатиш, сўроқ қилишда қўлланиладиган тактик усуллар ва унинг кўрсатувларини баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

В.К.Комаров тергов қилишнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиб, педагог ва психолог имкониятларидан унумли фойдаланиш масаласида амалиётчилар учун тавсиялар ишлаб чиққан.

Л.Л.Каневский тергов ҳаракатларини ташкил этишга тайёргарлик кўриш, қўлланиладиган тактик усуллар, жиноятларини тергов қилиш жараёнида уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ва олдини олиш чораларини кўриш масалаларини илмий таҳлил қилиб, амалиёт ходимлари учун тавсиялар ишлаб чиққан.



В.Т.Очередин айбланувчиларнинг шахсини ўрганиш борасида амалга ошириладиган процессуал ҳаракатларнинг тактик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратган, Шунингдек, ушбу даврда ижод этган олимлардан А.А.Закатов, Д.М.Лосев, И.М.Лузгин, Г.М.Минъковский, К.М.Тарсуков, Р.А.Каледин, В.И.Куликов, В.В.Леоненко ва Н.С.Мановалар жиноятларни тергов қилиш методикасининг хусусиятларига оид изланишлар олиб бориб, ушбу йўналишда тергов амалиётини такомиллаштиришга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқишган.

Мазкур даврда Ўзбекистонда жиноятларни тергов қилиш методикаси юқоридаги муаллифлар томонидан яратилган тавсиялар асосида ривожланиб борди. Шунингдек, мамлакатимизда яшаб ижод этган Ғ.А.Абдумажидов, В.М.Быков, Г.П.Саркисянц, В.С.Бурданова, Е.И.Макаренко, Р.А.Алимова, А.Н.Норбоев, А.С.Закутский, Э.Г.Кашкет каби олимлар томонидан жиноятларни тергов қилиш методикасининг умумий илмий асослари алоҳида турдаги жиноятлар бўйича иш юритиш тартибини такомиллаштиришга доир илмий изланишлар олиб борилган.

Жумладан, илк маротаба Ғ.А.Абдумажидов томонидан Ўзбекистон ҳудудида жиноятларни тергов қилишга оид қонунчилик ретроспектив таҳлил қилиниб, ушбу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Г.П.Саркисянц вояга етмаганларнинг қонуний вакили орқали уларнинг шахсига хос хусусиятларни ҳамда

турмуш ва тарбияланиш шароитларини ўрганиш масаласида бир қатор тавсиялар ишлаб чиққан.

Э.Г.Кашкет томонидан вояга етмаганлар жиноятларининг криминалистик тавсифи таҳлил қилиниб, терговни режалаштириш, исботланиши лозим бўлган ҳолатларни ўрганишга қаратилган тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси, педагог ва психолог имкониятларидан фойдаланиш каби масалалар бўйича қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда амалиёт ходимлари учун тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиниши натижасида 1994 йил 22 сентябрда амалдаги ЖПК қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрель кунидан кучга киритилган. Ушбу ЖПКда жиноят ишларини юритишга оид нормалар янада такомиллаштирилди.

Жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ўтказиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан мустақиллик йилларида Ғ.А.Абдумажидов, Р.А.Алимова, А.Н.Норбоев, А.С.Закутский, Т.Б.Маматқулов, Х.А.Тураббаев, Н.Тоштемиров, Ш.Т.Хасанов, Р.Р.Шакуров, Қ.Т.Суяров, Т.Э.Орипов, Ш.Т.Джуманов, Д.М.Миразов, А.Ирсалиев, А.Б.Қулахметов, М.К.Утениязовлар томонидан жиноятларни тергов қилиш методикасининг илмий-назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган ишлар янада ривожлантирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида жиноятларни тергов қилиш



методикасининг илмий-назарий асослари илк маротаба XX асрнинг 20-йилларида шакланган бўлиб, ушбу даврдан бошлаб жиноятларни тергов қилиш методикасига оид илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиладиган бўлган. Мустақиллик йилларида жиноят ишларини юритишга оид

нормалар такомиллаштирилиши натижасида бир қатор олимлар томонидан жиноятларни тергов қилиш услубиёти, иш бўйича ўтказиладиган тергов ҳаркатида шахс ҳуқуқи ва манфаатларини кафолатлашнинг илмий-назарий асослари янада ривожлантирилган.